

Ўзбекистонда Малайзиянинг исломий суғуртаси жорий этилиши режалаштирилмоқда



14:26 / 06 октябрь 530

Малайзиянинг исломий суғуртаси – такафул ва уни Ўзбекистонда жорий этиш муҳокама қилинди.

Қайд этилишича, Ўзбекистоннинг Куала-Лумпурдаги элчихонасида Малайзиянинг «Strategik Horizon Management System» компаниясининг бош маслаҳатчиси Сайфул Баҳри бин Сароний ва «Abkari Risk management» компанияси директори Идрус бин Мат Наян билан учрашув ўтказилган.

Учрашувда Сайфул Баҳри Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектларининг исломий молиявий хизматларга қизиқиши ортаётганини ва исломий суғуртани ривожлантириш учун салоҳият мавжудлигини таъкидлаган.

Малайзиялик экспертлар бу тажрибани хусусий суғурта компанияларида қўллашни таклиф қилган. Ўзбекистонда алоҳида такафул хизматларини ташкил қилиш режалаштирилган.

Малайзия ҳукуматига қарашли «Syarikat Takaful Malaysia Bhd.», «Takaful Ikhlas Sdn. Bhd.» ва «ETIQA Takaful Bhd.» исломий суғурта компанияларини Ўзбекистон давлат суғурта компаниялари билан ҳамкорликка жалб қилиш масаласини кўтарилган.

Такафул суғуртасининг оддий суғуртадан фарқи унда махсус суғурта жамғармаси яратилади. Фонд иштирокчилари олдиндан келишилган тартибда суғурта бадалларини жамғармага ўтказади. Жамғарма ўз аъзоларининг зарарини ушбу маблағ ҳисобидан қоплайди. Йил охирида суғурта ортиқча маблағнинг бир қисми кейинги йилларга захира сифатида олиб қўйилиши ёки жамият низомига асосан иштирокчилар ўртасида тақсимланиши мумкин.

Манба: @uzdiplomat